

№21 (1531)
2025-YIL
12-NOYABR

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА



t.melo'zbekistondasog'liqni saqlash

IJTIMOY –SIYOSIY GAZETA ♦ 1995 –YIL OKTABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Хурматли соғлиқни сақлаш тизими ходимлари!

Ушбу қутлуғ айёмда халқ саломатлигининг посбонлари бўлган сиз, азизларни мамлакатимизда кенг нишонланаётган касб байрамингиз – Тиббиёт ходимлари куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ҳаммамизга аёнки, сиҳат-саломатлик ҳар бир инсон, бутун жамият учун бебаҳо бойлик, улугъ неъматдир. Фақат соғлом инсон ва соғлом халқ мислсиз ишларга қодир эканини барчамиз яхши англаймиз.

Шу маънода, Мир Алишер Навоий бобомизнинг “Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил, Ҳам жонларига мояи дармон бўлғил”, деган ҳикматли даъвати айнан сизлар каби жонкуяр ва фидойи инсонларга бағишланган, десак, адашмаган бўламиз.

Биз сизларнинг Янги Ўзбекистонда янги тиббиёт тизимини ривожлантириш йўлидаги самарали фаолиятингизни юксак қадрлаймиз ҳамда шарафли ва маъсулиятли меҳнатингиз учун эл-юртимиз номидан самимий ташаккур билдирамиз.

Азиз шифокорлар!

Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳаётий манфаатларини амалда таъминлашга қаратилган давлат сиёсатида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш устувор йўналишлардан бири сифатида белгилангани сизларга яхши маълум, албатта.

Бу ҳақда сўз юритганда, кейинги йилларда давлат бюджетидан тиббиёт соҳаси учун йўналтирилаётган маблағлар ҳажми 6 карра оширилгани, соғлиқни сақлаш му-

ассасаларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳияти тубдан яхшиланигани таъкидлаш лозим. Тиббий хизматлар аҳолига янада яқинлаштирилиб, сифатли тиббий хизматлар маҳаллагача туширилмоқда. Энг муҳими, бундай ўзгаришлар натижасини ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаётида ҳис этмоқда. Масалан, илгари фақат пойтахтда кўрсатилган 400 дан зиёд юкори технологик тиббий хизматлар ҳозирги вақтда вилоят ва туманларнинг ўзида ҳам амалга оширилмоқда.

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами бўйича халқаро тажрибага асосланган янги модел жорий этилмоқда. Қисқа муддатда ҳудудларимизда 490 та муассаса қайта ташкил этилиб, юридик мақомга эга бўлган 350 та мустақил оилавий поликлиника фаолияти йўлга қўйилгани бу борадаги ишларимизнинг натижасидир.

Юртимизда 2017 йилдан буён оналар ўлими кўрсаткичи 21 промилледан 11 промиллега, гўдаклар ўлими эса 11,5 промилледан 7,8 промиллега камайгани ҳам соҳада амалга оширилаётган ислохотларимизнинг самарасидир.

Жорий йил биринчи марта давлат тиббиёт муассасаларига робот технологиялари кириб келди. Ўтаётган йилда тиббиётни рақамлаштириш ишлари бутунлай янги босқичга кўтарилди.

Соҳада DMED ягона электрон ахборот платформаси ишга туширилиб, унга 36 миллион нафардан зиёд аҳолининг тиббий маълумотлари киритилди. Вазирилик тизимида “Рақамли соғлиқни сақлаш” маркази очилди.

Сунъий интеллект асосида бажарилаётган тиббий текширув ва муолажанинг турлари 43 тага етди.

Тез тиббий ёрдам хизматида чакириқларни электрон бошқариш тизими ўрнатилгани ҳам муҳим янгилик бўлди. Давлат тиббий суғурта механизмларини жорий этиш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Тиббиётда хусусий сектор улуши ортиб бормоқда. Ўтган саккиз йилда юртимизда хусусий клиникаларнинг сони 3,5 мингтадан 9 мингтага, улар томонидан кўрсатилаётган тиббий хизмат турлари эса 50 тадан қарийб 130 тага етгани бунинг яққол тасдиғидир.

Мамлакатимиз фармацевтика бозорида миллий маҳсулотларнинг ҳажми кўпайиб, 2017 йилдан буён ишлаб чиқариш 1,4 триллион сўмдан 6,3 триллион сўмга, экспорт миқдори эса 6,3 миллион доллардан 250 миллион долларга ўсди.

Соҳа учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида мавжуд учта олий ўқув юрти негизида Тошкент давлат тиббиёт университети ташкил этилди. Урганч давлат тиббиёт институти фаолияти йўлга қўйилди. Самарқанд давлат тиббиёт университети нуфузли халқаро “Times Higher Education” (THE) рейтингидан жой олди. Халқаро аккредитациядан ўтган тиббиёт олий таълим муассасаларининг сони 8 тани ташкил этмоқда.

Бу йил 300 нафарга яқин мутахассисларимиз ўнлаб ривожланган хорижий мамлакатларда ўз билим ва малакасини ошириб келди.

Юртимиз аҳолисининг турмуш шароитлари яхшиланиб, ўртача умр кўриш даражаси 73,8 ёшдан 75,1 ёшга узайганида сиз, ўз касби ва хизмат вазифасига содик,

заҳматкаш соҳа ходимларининг муносиб ҳиссангиз бор, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Хурматли шифокорлар!

Бугунги кунда биз ўз олдимизга қўйган улкан марраларга эришишда халқимизнинг тинчлиги ва соғлиғини асраш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки тинчлик ва соғлиқни мустаҳкамлаб, ўз куч ҳамда имкониятларига ишониб, доимо олдинга интилиб яшайдиган халқ ва миллат эзгу мақсадларига албатта эришади.

Сиз, азизлар бундан буён ҳам бой билим ва тажрибангиз, малака ва маҳоратингиз билан соҳа ривожини янги босқичга кўтариш, Ўзбекистон тиббиётининг шонли анъаналарини изчил давом эттириш, жаҳон тиббиётининг илғор ютуқларини ўзлаштириш учун янада катта куч-гайрат билан меҳнат қиласиз деб ишонаман.

Ўз навбатида, соҳа ходимларининг хизматларини муносиб қадрлаш, улар учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратиб бериш масалалари бундан буён ҳам давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибор марказида бўлиб қолади.

Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор муборақбод этиб, барчангизга сиҳат-саломатлик, иш фаолиятингизда улкан муваффақиятлар, оилавий бахт-саодат, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилайман.

Ҳамиша соғ-омон бўлинг, кўлингиз дард кўрмасин, азиз шифокорлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2025 йил 8 ноябрь

АМАЛИЙ ҲАРАКАТЛАР ВА РАҚАМЛИ ИСЛОХОТЛАР ТИББИЁТНИ ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИНЛАШТИРМОҚДА



Президент Шавкат Мирзиёев 10 ноябрь куни Тошкент давлат тиббиёт университетида ташриф буюриб, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш, тиббиёт муассасаларида хизматлар сифатини ошириш

ҳамда тиббий таълимни такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тақдироти билан танишди.

Давоми 4 ва 5 бетларда ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н ИТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҶА
ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими ва фармацевтика-ни ривожлантириш, тиббий хизматлар сифатини ошириш, соҳа-ни тубдан ислоҳ этишга қаратилган дастурлар ижросини муваф-фақиятли таъминлаш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ўзининг билим ва салоҳияти, профессионал маҳорати билан ди-агностика ва даволаш амалиётида замонавий, юксак технологик усулларни кенг қўллаш, аҳоли саломатлигини ишончли муҳофа-за қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётгани, юқори малакали кадрларни тайёрлаш йўлидаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Фидокорона хизматлари
учун» ордени билан

Абдиназарова Карамат – Пахтакор туманидаги «Мингчинор» оилавий ши-фокорлик пункти оилавий шифокори, Жиззах вилояти

Эргашев Бахтиёр Бердалиевич – Республика перинатал марказининг чақалоқлар неонатал хирургияси бўли-ми мудири

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Зияев Махаммат Мамирович – Республика тез тиббий ёрдам маркази-нинг Тошлоқ тумани бўлими ҳайдовчи-си, Фарғона вилояти

Иргашев Шухрат Бонсович – Тиб-биёт ходимларининг касбий малакаси-ни ривожлантириш маркази превентив тиббиёт – валеология асослари кафедраси профессори

Яқубова Рано Абдуллаевна – Тупроққалъа туманидаги «Шихлар» оилавий шифокорлик пункти мудири, Хоразм вилояти

I даражали «Соғлом авлод
учун» ордени билан

Гадаев Абдигаффар – Тошкент дав-лат тиббиёт университетининг оилавий тиббиётда ички касалликлар кафедраси профессори

Кабулов Мэлс – Қорақалпоғистон тиббиёт институтининг хирургик ка-салликлар ва трансплантология кафедраси профессори

II даражали «Соғлом авлод
учун» ордени билан

Абдусаламова Кимийё Кушановна – Кўкдала туманидаги «Гулистон» ои-лавий шифокорлик пункти оилавий ши-фокори, Қашқадарё вилояти

Ақбаров Мурат Тургунович – На-манган вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг анестезиология – реани-мация бўлими мудири

Алиева Мархабохон Носировна – Олтиариқ туманидаги 89–оилавий по-ликлиникаси мудири, Фарғона вилояти

Гаффаров Исокул Сайиткулович – Республика тез тиббий ёрдам маркази-нинг Пайариқ тумани бўлими «Челак» пункти ҳайдовчиси, Самарқанд вилояти

Джаббаров Додар Рахимовна – Яшнобод туманидаги «Log mama» хусу-сий клиникаси бош шифокори, Тошкент шаҳри

Еримбетова Индира Оралбаевна – Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий–амалий тиббиёт марказининг онкогематология бўлими мудири

Исакова Барнохон Анваровна – Бу-лоқбоши тумани тиббиёт бирлашмаси-нинг шошилинч тиббий ёрдам бўлими педиатри, Андижон вилояти

Нурова Замира Аннакуловна – Тошкент давлат тиббиёт университети-нинг Термиз филиали тиббий биология ва гистология кафедраси мудири, Сур-хондарё вилояти

Рахимов Баходир Бахранович – Республика тез тиббий ёрдам маркази-нинг Хатирчи тумани бўлими ҳайдовчи-си, Навоий вилояти

Суярова Зебо Исроилловна – Нуро-бод тумани тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлими мудири, Самарқанд ви-лояти

I даражали «Саломатлик»
ордени билан

Гуламова Рисолат Садиковна – Сайхунобод туманидаги 21–оилавий поликлиникаси патронаж дояси, Сир-дарё вилояти

Назаров Абдукаюм Абдухалилович – Республика тез тиббий ёрдам маркази-нинг Янги Наманган тумани бўлими фельдшери, Наманган вилояти

II даражали «Саломатлик»
ордени билан

Алиева Жамила Азодовна – Хива шаҳар кўп тармоқли марказий поликли-никаси шифокор–онкогинекологи, Хо-разм вилояти

Алимджанов Нусратджан Амилджанович – Республика ихтисо-слаштирилган эндокринология илмий–амалий тиббиёт марказининг эндокрин хирургия бўлими мудири

Алтибаев Уйғун Учқунович – Ре-спублика ихтисослаштирилган ней-рохирургия илмий–амалий тиббиёт марказининг нейрохирургия бўлими мудири

Ахмаджонов Орифжон Неъмат-жонович – Республика ихтисослашти-рилган травматология ва ортопедия

илмий–амалий тиббиёт марказининг анестезиология ва реанимация бўлими мудири

Бахадирханов Мухамедзариф Му-хамед Кабирович – Республика ихти-сослаштирилган урология илмий–амалий тиббиёт марказининг операция бўлими мудири

Джумаева Меҳринисо Абдулхами-довна – Кумқўрғон туманлараро пери-натал марказининг чақалоқлар реани-мацияси бўлими мудири, Сурхондарё вилояти

Джуманиязов Джавохир Азатбае-вич – Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хи-рургия илмий–амалий тиббиёт маркази-нинг эндоскопия бўлими мудири

Есенбаев Пухарбай Қазакбаевич – Республика тез тиббий ёрдам маркази-нинг Қонлиқўл тумани бўлими авто-корхонаси бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Имомбердиева Ражаббуди Бийжа-новна – Чирчиқ шаҳридаги «Дилчеҳра» хусусий клиникаси раҳбари, Тошкент вилояти

Қурбонов Дониёр Олтинович – Қо-ракўл тумани тиббиёт бирлашмасининг реанимация бўлими мудири, Бухоро ви-лояти

Қурбонов Ҳошим Нарзимурадович – Республика тез тиббий ёрдам маркази-нинг Бахмал тумани бўлими ҳайдов-чиси, Жиззах вилояти

Мавлонова Эҳтибор Шукрулло-евна – Республика тез тиббий ёрдам марказининг Зарафшон шаҳар бўлими шифокори, Навоий вилояти

Мадреймова Гулпаршин Има-маддиновна – Тахтақўпир туманида-ги «А.Адилов» оилавий шифокорлик пункти патронаж ҳамшираси, Қорақал-поғистон Республикаси

Махкамов Махкамжон Козимович – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг қон томир нейрохи-рургияси бўлими мудири

Очилов Анвар Самарович – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах вилояти филиали анестезиология–реанимация бўлими мудири

Решетняк Марина Юрьевна – Як-касарой туманидаги 58–оилавий поли-клиникаси оилавий шифокори, Тошкент шаҳри

Рустамов Бахт Ерашимович – «Эзгу ният» кўп тармоқли тиббиёт марказининг юрак–қон томир жарроҳи, Тошкент шаҳри

Саттарова Гулнара Алобидиновна – Фарғона вилояти кўп тармоқли тиб-биёт марказининг проктология бўлими жарроҳи

Сафаров Суннатгулла Саторович – Иштихон тумани соғлиқни сақлаш бў-лими мудири, Самарқанд вилояти

Тўлаков Равшан Панжиевич – Ре-спублика шошилинч тиббий ёрдам ил-мий марказининг Қашқадарё вилояти филиали директори

Умурзаков Косимжон Холмир-заевич – Андижон шаҳридаги «Great

Medical» масъулияти чекланган жамия-ти шифокори, Андижон вилояти

Ҳотамов Баходир Равшанович – Республика тез тиббий ёрдам маркази-нинг Ғиждувон тумани бўлими «Оғит-ма» пункти ҳайдовчиси, Бухоро вилояти

«Дўстлик» ордени билан

Абас–зада Нигина Жаҳангир қизи – UNFPA ташкилотининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий вакили

Авазов Комилжон Жўраевич – Ре-спублика тез тиббий ёрдам марказининг Шаҳрисабз тумани бўлими ҳайдовчиси, Қашқадарё вилояти

Атажанова Раъно Шадибаевна – Мирзачўл тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси патронаж ҳамшира-си, Жиззах вилояти

Варфоломеева Татьяна Алексан-дровна – У. Қ. Қурбонов номидаги Ре-спублика болалар руҳий асаб касалхо-наси бўлим мудири

Жайбергенова Гулнара Муратба-евна – Қораўзак тумани тиббиёт бир-лашмасининг туғруқ бўлими неонатоло-ги, Қорақалпоғистон Республикаси

Корнелия Бекер – Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг Ўзбекистонда-ги ваколатхонаси соғлиқни сақлаш да-стури директори

Обейд Мустафа – Республика шо-шилинч тиббий ёрдам илмий маркази-нинг кардиохирургия бўлими мудири

Рехина Мария Кастилло Родригес – ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги вако-латхонаси раҳбари

Санкавец Дмитрий – Беларусь Республикаси «Она ва бола» илмий–амалий марказининг болалар анесте-зиология–реанимация бўлими анесте-зиолог–реаниматолог

Сухова Людмила Вячеславовна – Республика тез тиббий ёрдам маркази-нинг Бўстонлиқ тумани бўлими катта фельдшери, Тошкент вилояти

Турдалиева Дилфуза Мамадалиев-на – Поп туманидаги «Мурувват» ноги-ронлиги бўлган шахслар учун эркаклар интернат уйи катта ҳамшираси, Наман-ган вилояти

Халак–Дина Ашина – Жаҳон соғ-лиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбеки-стон Республикасидаги ваколатхонаси раҳбари

Юсупов Сулаймонкул Ибраги-мович – Республика тез тиббий ёрдам марказининг Сирдарё вилояти филиали ҳайдовчиси

«Соғлом турмуш» медали билан

Авазова Муқаддас Биноевна – Ан-гор туманидаги «Қ.Тулаков» оилавий поликлиникаси патронаж ҳамшираси, Сурхондарё вилояти

Жуманов Зоир Юлдашович – Республика тез тиббий ёрдам маркази-нинг Гурлан тумани бўлими ҳайдовчи-си, Хоразм вилояти

◀Давоми 3 –бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҶА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Давоми. Боши 2 –бетда

Жураева Садокат Уктамовна – Навоий шаҳридаги «Logo Effect Sadoqat» имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган хусусий муассасаси раҳбари, Навоий вилояти

Камбарова Санобар Қурбонбоевна – Сардоба туманидаги 26–оилавий поликлиникаси патронаж ҳамшираси, Сирдарё вилояти

Камолова Хулкархон Садриддиновна – Янгиқўрғон туманидаги 61–оилавий поликлиникаси оилавий шифокори, Наманган вилояти

Каримов Комил Олимжонович – Паркент туманидаги 44–оилавий поликлиникаси мудири, Тошкент вилояти

Қурбонова Радха Рахматуллаевна – Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий–амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё вилояти филиали чақалоқлар реанимацияси бўлими мудири

Кучкарова Мунира Кахрамановна – Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти директорининг ўринбосари

Мавлянова Шахноза Закировна – Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий–амалий тиббиёт марказининг илмий лабораторияси мудири

Маримова Эркиной Козиевна – Бегуний тумани тиббиёт бирлашмасининг чақалоқлар бўлими мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

Меҳмоналиева Нодира Толибовна – Данғара туманидаги 31–оилавий поликлиникаси мудири, Фарғона вилояти

Полванова Адолат Отабоевна – Янгиариқ тумани тиббиёт бирлашмасининг реанимация бўлими катта ҳамшираси, Хоразм вилояти

Ражабова Мамлакат Икромовна –

Ромитан тумани тиббиёт бирлашмаси бош ҳамшираси, Бухоро вилояти

Ташбаев Нуриддин Сараевич – Санитария–эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитасининг стратегик режалаштириш, ахборот–таҳлил ва ижро интизоми бўлими бошлиғи

Умаров Баҳром Яминович – Андижон вилояти фтизиатрия клиник шифохонасининг даволаш бўлими фтизиатри

Фозилбеков Рузikuл Анаркулович – Тошкент шаҳридаги «Akfa medline» клиникасининг гинекология бўлими мудири

Юлдашева Гулнора Джасуровна – Республика тез тиббий ёрдам марказининг Жиззах вилояти филиали шифокори

Юсупов Саминжон Абсаттарович – Республика тез тиббий ёрдам марказининг Қуйи Чирчиқ тумани бўлими ҳайдовчиси, Тошкент вилояти

Яхшиликowa Феруза Нуридиновна – Булунғур тумани тиббиёт бирлашмаси бош ҳамшираси, Самарқанд вилояти

«Келажак бунёдкори» медали билан

Ахмадиев Эдвард Эрикович – Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий – амалий тиббиёт марказининг акушер – гинеколог

Олимжонов Камолитдин Алишер ўғли – Республика ихтисослаштирилган гематология илмий – амалий тиббиёт марказининг трансплантация бўлими шифокор – гематолог

Ражабов Дониёрбек Бахтиёр ўғли – Республика ихтисослаштирилган оториноларингология ва бош–бўйин касалликлари илмий – амалий тиббиёт марказининг лор шифокори

«Шуҳрат» медали билан

Аширова Муҳаббат Холматовна –

Республика тез тиббий ёрдам марказининг Юнусобод тумани бўлими шифокори, Тошкент шаҳри

Ашуров Абдуғафор Ғуломович – Республика тез тиббий ёрдам марказининг Чуст тумани бўлими «Ахча» пункти ҳайдовчиси, Наманган вилояти

Жабборова Дилшода Рабимовна – Нурота туманидаги «Муруват» ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар интернат уйи хўжалик бекаси, Навоий вилояти

Ибрагимов Насридинбек Расулович – Республика тез тиббий ёрдам марказининг Андижон вилояти филиали ҳайдовчиси

Казаков Рузимурут Эломович – Косон туманидаги «Андабозор» оилавий шифокорлик пункти ўрта тиббиёт ходими, Қашқадарё вилояти

Қурбанова Мавлуда Разиковна – «Бухоро дори–дармон» масъулияти чекланган жамиятининг 1–марказий дорихонаси бўлим бошлиғи, Бухоро вилояти

Махмудов Абдорхон Саидмусаевич – Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий–амалий тиббиёт марказининг реанимация ва интенсив терапия бўлими мудири

Мирзайдов Умид Миркомил ўғли – «Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази» лойиҳа офисининг гуруҳ раҳбари

Самадов Фуркатжон Носибжанович – Болалар миллий тиббиёт марказининг неврология бўлими шифокор–невролог

Сафаров Ахрор Зувайдилло ўғли – Миллий тиббиёт марказининг трансплантология ва ангиохирургия бўлими мудири

Султанов Алижон Турсунбаевич – Республика тез тиббий ёрдам марказининг Тошкент шаҳар филиали ҳайдовчиси

Ташмаматов Шерзод Холмаматович – Гулистон тиббиёт кластерининг нефрология–гемодиализ бўлими шифокори, Сирдарё вилояти

Темирова Севара Орифжон қизи – Қўшрабат тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси патронаж дояси, Самарқанд вилояти

Тошбоев Хусниддин Нумонжонович – Фарғона тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, Фарғона вилояти

Тураев Бобур Батир ўғли – Тошкент давлат тиббиёт университетининг болалар кўп тармоқли клиникаси кардиохирургия бўлими кардиожарроҳи

Турсункулов Илхомжон Камалович – Миллий тиббиёт марказининг интервенцион аритмология бўлими мудири

Хусанбаев Хасанжон Шавкатович – Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий–амалий тиббиёт марказининг операция бўлими офтальмолог

Эламанов Кенжа Гулбаевич – Республика тез тиббий ёрдам марказининг Узун тумани бўлими ҳайдовчиси, Сурхондарё вилояти

Эсонов Азиз Раҳимбердиевич – Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий–амалий тиббиёт марказининг реанимация ва интенсив терапия бўлими мудири

Юлдашева Муфаззалхон Шокировна – Хўжаобод туманидаги «Тўраобод» оилавий шифокорлик пункти патронаж ҳамшираси, Андижон вилояти

Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 9 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТИББИЁТ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ХОДИМЛАРИНИ Қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида

Давлат тиббиёт муассасалари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, самарали ишлаши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш мақсадида қарор қиламан:

I. Мақсадлар

Қуйидагилар тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қўллаб-қувватлашнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) тиббиёт ва фармацевтика ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш;

(б) аҳолига сифатли ва самарали тиббий хизмат кўрсатаётган фидойи ходимларга қўшимча рағбатлантириш чораларини жорий этиш;

(в) истиқболли ёш мутахассислар ўз касбий малакасини ошириб бориши учун қўшимча имкониятлар яратиш;

(г) “шифокор – аҳоли саломатлиги посбони” шиори остида жамиятда уларнинг нуфузини ошириш.

II. Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини молиявий қўллаб-қувватлаш

2026 йилдан бошлаб давлат тиббиёт муассасалари ходимлари Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан Тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан ҳар йили меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорида рағбатлантирилсин.

Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан ҳар йили қуйидаги номинациялар бўйича танлов ўтказилсин:

(а) “Энг яхши Республика шифохонаси раҳбари”, “Энг яхши ҳудудий соғлиқни сақлаш органи раҳбари”;

(б) ҳар бир ҳудудда:

(и) “Энг яхши туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш органи раҳбари”, “Энг яхши оилавий поликлиника раҳбари”, “Энг яхши туман (шаҳар) шифокори” ва “Энг яхши туман (шаҳар) ўрта тиббиёт ходими”;

(и) “Энг яхши оилавий поликлиника”, “Энг яхши туман (шаҳар) шифохонаси” ва “Энг яхши ҳудудий шифохона”.

Давоми 6 –бетда⇒

АМАЛИЙ ҲАРАКАТЛАР ВА РАҚАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ТИББИЁТНИ ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИНЛАШТИРМОҚДА

◀ Давоми. Боши 1-бетда

Сўнгги йилларда тиббиёт соҳасининг ўзига 230 триллион сўм йўналтирилди. Бунинг ҳисобига жойларда 187 та янги поликлиника ва шифохона ишга тушди, 1 минг 244 таси реконструкция қилиниб, жиҳозланди.

Тиббиётдаги бу ўзгаришларни миллионлаб одамларимиз ўз ҳаётида ҳис этмоқда, халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда.

Сўнгги йилларда юртимиз тиббиётида илғор технологиялар жорий этилиб, таълим жараёнларига ҳам кенг татбиқ қилинмоқда. Хусусан, учта олий таълим муассасаси негизда Тошкент давлат

сида ортиқча дори ёзиш ҳолатлари 40 фоизга камайди, дори воситалари айланмаси шаффофлашди. Барча тиббий маълумотлар биометрик ҳимоя остида сақланиб, шахсий маълумотлар хавфсизлиги таъминланмоқда.

– Замонавий тиббиёт муассасаларини барпо этиямиз, соҳада сунъий интеллектни жорий қиляпмиз, илғор ускуналарни олиб келяпмиз. Бу ўзгаришлар энг куйи бўғингача етиб бориши зарур. Мухими, ҳар бир тиббиёт ходимининг малакасини ошириш, замонавий билим ва кўникмалар билан таъминлашга эътибор қаратишимиз лозим. Шундагина ҳаракатларимиз натижа беради, “Рақамли соғлиқни сақлаш маркази” фаолияти



Президент Шавкат Мирзиёев тиббиётни аҳолига яқинлаштириш, хизматлар сифатини ошириш, бу жараёнда илғор усул ва технологияларни қўллашни янада кенгайтириш юзасидан мутасаддилар олдида аниқ вазифалар қўйди.

9 ноябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги фармонни имзолаган эди.

Тошкент давлат тиббиёт университетида давлатимизнинг юксак унвон, ор-

дудларда амалга оширилмоқда. Юзлаб мураккаб амалиётлар вилоят марказларига, кам инвазив операциялар эса туман даражасига туширилди.

– Биринчи марта 45 та туманда буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти йўлга қўйилгани инсон саломатлиги бора-сидаги ишларимизнинг яққол амалий тасдиғидир, – деди Президентимиз.

– Юртимизда ўртача умр давомийлиги эркаклар ўртасида 71 дан 73 ёшга, хотин-қизлар орасида эса 76 дан 77,5 ёшга узайгани сизлар билан эришган катта ютуғимиз, десам тўғри бўлади. Албатта, машаққатли меҳнат маҳсули бўлган бундай эзгу ишларда 600 мингдан зиёд жонкуяр тиббиёт ходимларининг муносиб ҳиссасини эътироф этиб, ҳар қанча раҳмат айтсак, арзийди.

Президентимиз давлат мукофотларини тантанали равишда топшириб, тақдирланганларни бутун халқимиз номидан табриклади.

Шундан сўнг, Президент Шавкат Мирзиёев тиббиёт ва фармацевтика ходимлари билан учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари йиғилганларни Тиббиёт ходимлари куни билан самимий табриклаб, барча шифокор ва ҳамширалар, соҳа мутахассисларига ўзининг чуқур ҳурмати ва эзгу тилаklarини билдирди.

Фармацевтика соҳасининг замонавий тиббиётдаги ўрнини ҳисобга олиб, бундан буён ушбу байрамни “Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари куни” сифатида нишонлаш таклиф қилинди. Учрашувда ўз ечимини қутаётган масалалар таҳлил қилиниб, янги вазифа ва имкониятлар белгилаб олинди.

Ихтисослашган марказларга сўнгги беш йилда 7,5 триллион сўм маблағ берилиб, улар минглаб энг замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Шунга қарамай, ускуналарнинг қувватидан бор-йўғи 25 фоиз фойдаланилаётгани кўрсатиб ўтилди.

Рақамлаштириш, хориждан ҳамкор топиш, клиник протоколларни янгилаш, илғор диагностика, профилактика ва даволашни уддалайдиган замонавий жамоани шакллантириш барча тиббиёт марказлари, вилоят, туман соғлиқни

тиббиёт университети ташкил этилди. Урганч давлат тиббиёт институти фаолияти йўлга қўйилди. Саккизта тиббиёт олий таълим муассасаси халқаро аккредитациядан ўтди. Бу соҳада замонавий билим ва кўникмаларга эга кадрлар тайёрлаш имкониятлари янада кенгайди.

Тошкент давлат тиббиёт университетида инфратузилма яхшиланиши натижасида таълим олувчилар сони 29 минг 864 нафарга етди. Ўқув жараёнлари энг замонавий талаблар даражасига кўтарилди, рақамлаштириш фаол давом этмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижалари ҳақида ахборот берилди. Мамлакат бўйлаб давлат тиббиёт муассасалари замонавий ахборот-коммуникация жиҳозлари билан таъминланди, ягона рақамли инфратузилма шакллантирилди.

2024-2025 йилларда 3 мингдан ортиқ тиббиёт муассасаси локал тармоқ билан таъминланди. Минглаб янги компьютерлар харид қилиниб, техник база янгиланди.

Президентимизга DMED ягона электрон ахборот тизими имкониятлари ҳам тақдим этилди. Бу тизим орқали 36 миллион нафардан зиёд фуқароларнинг тиббий маълумотлари ягона базада жамланди. Тез тиббий ёрдам хизматида электрон бошқарув йўлга қўйилиб, чақириқларга етиб бориш вақти 25-30 дақиқадан 10-15 дақиқача қисқартирилди. Яқин келажакда “Online-шифокор” хизмати жорий этилиб, аҳолига масофадан тиббий маслаҳат бериш имкони яратилади.

Шунингдек, “Электрон рецепт” тизими фаолияти йўлга қўйилиши натижа-



ҳақида ҳам ахборот берилди. Унда барча тиббиёт муассасаларининг фаолияти реал вақт режимида кузатилиб, сурункали касалликлар ва аҳоли саломатлиги кўрсаткичлари таҳлил қилинмоқда.

Президентимиз тиббиёт тизимининг рақамлаштирилиши беморлар учун қулайлик, шифокорлар учун самарадорлик, давлат учун эса шаффофлик ва тежамкорликни таъминлаш учун муҳим эканини таъкидлаб, бу ишларни жадал давом эттиришни топширди. Ташриф чоғида университетдаги замонавий таълим муҳити ва сунъий интеллект ёрдамида фаолият юритаётган ўқув лабораториялари билан танишилди. Реанимация, оилавий поликлиника, шошилинч ёрдам, операция, педиатрия, акушерлик ва терапия бўйича симуляцион хоналарда талабалар амалиёт орқали билим ва кўникмаларини мустаҳкамламоқда. Бунинг учун яратилган шароитлар ва келгуси режалар ҳақида батафсил ахборот берилди.

ден ва медалларига сазовор бўлган соҳа вакилларига мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Улар орасида дунёнинг нуфузли олийгоҳларида таълим ва тажриба олиб, юртимизга қайтиб келиб ишлаётган, юқори технологик муолажаларни амалга ошираётган ёш шифокорлар, аҳолимиз саломатлигини сақлашда яқиндан кўмак бераётган хорижий ҳамкорлар ҳам бор.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда иктисодиётни барқарор ривожлантириш, одамларни ишли ва даромадли қилиш, ёшларга замонавий билим ва тарбия бериш, халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича ислоҳотлар жадал олиб борилаётганини таъкидлади. Натижада бирламчи тиббиёт муассасаларининг қуввати 60 фоизга ошиб, тиббий хизмат аҳолига анча яқинлашди. Илгари асосан пойтахтда бажарилган юқори технологик ва диагностика-даволаш усуллари 400 дан ортиги ху-

Давоми 5-бетда▶

АМАЛИЙ ҲАРАКАТЛАР ВА РАҚАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ТИББИЁТНИ ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИНЛАШТИРМОҚДА

«Давоми. Боши 1 ва 4–бетларда

сақлаш бошқарма ва бўлимларининг биринчи навбатдаги вазифаси бўлиши зарурлиги қайд этилди. Қайси маҳаллада, туманда қандай касаллик кўпайган ёки камайганини таҳлил қилиб, уларнинг олдини олиш ва самарали даволаш бўйича аниқ режа билан ишлаш, республика марказлари бундай таҳлил ва ёндашув билан ишни пастда ташкил қилиш, катта маблағ эвазига олиб берилган энг замонавий ускуналардан самарали фойдаланиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб экани таъкидланди.

– Бугун одамларнинг ҳаётга муносабати ҳам, талаб ва эҳтиёжлари, дунёкараши ҳам тубдан ўзгарди. Бу бошқа соҳалар қатори тиббиётда ҳам сифатни ошириш, замонавий ёндашувлар олиб кириш бўйича олдимизга янги вазифаларни қўймоқда. Шу боис, тиббиётда халқнинг баҳосини эшитадиган тизимни жорий қиламиз, – **деди давлатимиз раҳбари.**



Эндиликда 26 та марказ директорлари, вилоят, туман соғлиқни сақлаш раҳбарлари, оилавий поликлиника мудирилари бир ойлик аниқ режа асосида ишлашга ўтади.

Марказ раҳбарлари ўз соҳасида энг оғир туман ва маҳаллага боради. Бир ой қолиб, касалликларнинг сабабларини ўрганиб, уларга ечим беради, оилавий поликлиника ва туман шифохоналарининг врачларини касалликни даволашга ўргатади. Бундан буён вилоят ва туман соғлиқни сақлаш раҳбарларининг кунлик қабули маҳаллада бўлади. Ҳар бир вилоят, туман тиббиёт раҳбари, бош шифокор ва поликлиника мудири беморга эътиборли бўлиб, дардига шифо излаб келган ҳар бир одамнинг иши тез битиши учун барча шароитларни яратиши шартлиги қайд этилди.

Янги йилдан 26 та марказ директорлари, вилоят ва туман соғлиқни сақлаш раҳбарлари, оилавий поликлиника мудирилари лавозимга қўйишда янги тартиб жорий қилинади. Бунда барча тиббиёт муассасаларида раҳбар ва бош шифокор лавозимлари бир-биридан ажратилади. Уларга раҳбарлар менежерликка ўқиган, яхши натижалар кўрсатган тадбиркорлар орасидан тайинланади.

Раҳбарларнинг рағбатлантириш тизими ҳам ўзгартирилади. Энг намунали вилоят, туман соғлиқни сақлаш бўлимлари раҳбарлари ва оилавий поликлиника мудирилари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими» унвони, орден ва медаллар, 30 миллион сўмдан пул мукофоти берилади. Улар раҳбарлик қилаётган шифохона ва поликлиника инфратузилмасини яхшилашга 500 миллион сўмдан ажратилади.

Ҳар бир вилоятда энг яхши 2 та туманинг соғлиқни сақлаш бўлими раҳбари ва оилавий поликлиника мудири АҚШ, Германия, Буюк Британия, Корея, Туркия каби тиббиёти ривожланган мамлакатларга менежерликка ўқитиш учун юборилади.

– Тиббий таълимдаги ислохотларимизни давом эттириб, оиланинг барча ёшдаги аъзоларига малакали тиббий хизмат кўрсата оладиган оилавий шифокорлик институтини ривожлантиришимиз зарур, – **деди Президент.**

Келгуси ўқув йилидан тиббиёт олий-




касбий тиббиёт академияси ташкил қилинади. Келгуси йилдан барча тиббиёт олийгоҳларида олий ҳамширалик иши йўналиши очилади ва квота 2 карра, 2027 йилдан эса камида 20 фоиздан ошириб борилади.

Олий маълумотга эга, шифокор билан ёнма-ён турадиган бундай ҳамшираларнинг меҳнати муносиб рағбатлантирилади. Келгуси йилдан олий маълумотли ҳамшираларнинг маошига 100 фоиз устама берилади. Айни пайтда ўрта маълумотли ҳамшираларни тайёрлаш тизими ҳам ўзгартирилади. Бугунги давр шифокори замонавий технология, даволаш ва диагностика усулларида хабардор бўлиши, ўз устида доимий ишлаб бориши шартлиги қайд этилди. Шу боис, тиббиёт ходимларининг малакасини узлуксиз ошириб борадиган янги тизим бўлади. Келгуси йилдан малака оширишнинг масофавий, робот-симулятор, амалий,

гусида ҳам тиббиётда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва уларга қўшимча шароитларни яратиш давом эттирилиши таъкидланди. Хусусан, келгуси йилдан тиббий ускуна, жиҳоз ва тез ёрдам машиналарини олиб кириш бўйича имтиёз 3 йилга узайтирилади. Умумий овқатланиш корхоналарига ҚҚСнинг бир қисмини қайтариш бўйича берилган имтиёз хусусий тиббиёт ташкилотларига ҳам қўлланади. Замонавий кўп тармоқли клиникаларни ташкил қилиш ва уларни жиҳозлаш учун тадбиркорларга 200 миллион долларлик имтиёзли ресурс ажратилади.

Президентимиз куни кеча имзоланган «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида»ги қарорида акс этган қўшимча имтиёزلарни эълон қилди. Учрашувда соҳа вакиллари билан мулоқот бўлиб ўтди, уларнинг таклифлари, фикр-мулоҳазалари тингланди.



иш жойида мустақил тайёргарлик каби турлари йўлга қўйилади. Малака ошириш талаблари ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган Узлуксиз касбий тиббиёт таълими маркази ташкил қилинади.

Президентимиз ҳозирда тиббий хизматларнинг 30 фоизи хусусий сектор томонидан кўрсатилаётгани, илғор ташаббуслар ҳам улардан чиқаётгани қувонарли ҳол эканини таъкидлаб, уларнинг хусусий шерикликни кенгайтириш бўйича барча таклифларини кўриб чиқишга тайёрлигини билдирди. Кел-

– Мен шифокор эғнидаги оқибосни нафақат касб белгиси, балки Ватанга чексиз садоқат рамзи деб биламан. Бундан буён ҳам шифокорнинг, ҳар бир тиббиёт ходимининг обрўсини ҳимоя қилиш, унга ҳар томонлама муносиб шароит яратиш эътиборимиз марказида бўлади. Ишончим комил, биз биргаликда Янги Ўзбекистонни бошқа соҳалар қаторида тиббиёти ҳам ривожланган давлатга айлантирамиз, – **деди Президентимиз учрашув якунида.**

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОВ,
ЎЗА мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р ИТИББИЁТ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ХОДИМЛАРИНИ
Қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида

◀ Давоми. Боши 3 – бетда

Белгилансинки:

(а) танлов натижалари асосида ғолиблар қуйидаги микдорларда Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ҳисобидан бир марталик рағбатлантирилади:

(i) тиббиёт муассасалари – 500 миллион сўм;

(ii) тиббиёт ва раҳбар ходимлар – 30 миллион сўм;

(б) танлов ғолиблари Тиббиёт ходимлари куни арафасида эълон қилинади, уларни давлат мукофотларига тавсия этиш ҳамда хориждаги нуфузли таълим ва илмий ташкилотларда Жамғарма маблағлари ҳисобидан менежерлик ва бошқа замонавий дастурлар асосида ўқитиш амалиёти йўлга қўйилади;

(в) “Энг яхши республика шифохонаси раҳбари”, “Энг яхши туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш органи раҳбари” ва “Энг яхши оилавий поликлиника раҳбари” номинациялари бўйича танлов ғолиблари “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими” фахрий унвони билан тақдирлашга тавсия этилади.

2026 йил 1 апрелдан бошлаб давлат тиббиёт муассасаларининг иш вақти режими беш кунлик иш ҳафтасига ўтказилсин. Бунда тиббиёт муассасалари иш фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш учун байрам ва дам олиш кунлари навбатчилик асосида ишлаш йўлга қўйилади.

Белгилаб қўйилсинки, 2026 йил 1 январдан бошлаб давлат тиббиёт муассасаларида Жамғарма маблағлари ҳисобидан:

(а) туман (шаҳар) даражасида янги даволаш усуллари жорий қилган ва унинг ижобий самарасига эришган туман (шаҳар) тиббиёт муассасалари шифокорларига базавий ҳисоблаш микдорининг 50 баравари микдорида бир марталик пул мукофоти берилади;

(б) давлат тиббиёт муассасаларида камида 15 йил иш стажига эга бўлган тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг фарзандларига республика ҳудудидаги олий таълим ташкилотларида бакалаврият таълим йўналиши бўйича йиллик контракт суммасининг 30 фоизи микдоридаги, бироқ базавий ҳисоблаш микдорининг 15 бараваридан ошмайдиган қисми қоплаб берилади;

(в) тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг халқаро илмий-техник маълумотлар базасида индексланувчи ва юқори импакт-факторли журналларда мақолаларни чоп этиш билан боғлиқ харажатлари тўлиқ қоплаб берилади;

(г) ҳар йили давлат тиббиёт муассасаларида камида 15 йил иш стажига эга бўлган 500 нафар тиббиёт ва фармацевтика ходимларини уй-жой билан таъминлаш учун ипотека кредити асосида сотиб олинadиган уй-жойнинг дастлабки бадал тўловининг 25 фоизи қоплаб берилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг

миллий аккредитациядан ўтган давлат тиббиёт муассасалари ходимларига 2026 йил 1 январдан бошлаб лавозим маошининг 10 фоизи микдорида ойлик устама тўлаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2026 йил 1 январдан бошлаб давлат тиббиёт муассасаларининг тиббиёт ва фармацевтика ходимларига қуйидаги қўшимча имтиёзлар берилсин:

(а) давлат тиббиёт муассасаларида камида 3 йил иш стажига эга бўлган ходимларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бир йилда бир мартаба бепул юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;

(б) давлат тиббиёт муассасаларида камида 15 йил иш стажига эга бўлган ходимларга Касаба уюшмалари федерацияси ҳамда тиббиёт муассасасининг маблағлари ҳисобидан бир йилда бир мартаба республика ҳудудидаги санаторийларга бепул йўлланма бериш;

(в) барча турдаги давлат хизматлари учун тўловлар микдорини икки баробар камайтириш.

III. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат қилиш

Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда мазкур қарорда белгиланган имтиёзларни қўллаш ҳамда танлов ғолибларини аниқлаш бўйича мезон ва тартиб-таомилларни тасдиқлаш чораларини кўрсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2026

йилдан бошлаб:

(а) мазкур мақсадлар учун ҳар йили Жамғармага қўшимча индексация қилиб бориладиган 100 миллиард сўм маблағ ажратсин;

(б) Давлат бюджети параметрларида мазкур қарор билан белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун зарур маблағларнинг кўзда тутилишини таъминласин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ҳамда шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.А. Худаяров белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг тиббиётни ислоҳ қилиш бўйича ўринбосари Т.А. Алиева зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 9 ноябрь

■ Муносабат

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ИШОНЧ
УЧУН ЧЕКСИЗ МИННАТДОРМАН

Бахтиёр ЭРГАШЕВ – Республика перинатал марказининг чақалоқлар неонатал хирургияси бўлими мудири, профессор, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиби.

Таъкидлашим муҳимки, мамлакатимизда оналик ва болалик сиёсати давлат даражасига қўтарилган бўлиб, охирги йилларда соҳа-

га жуда катта маблағлар ажратилиб, кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, болалар хирургияси энг мураккаб соҳа бўлиб, чақалоқлар (неонатал) хирургияси жуда катта маблағ талаб қиладиган соҳа ҳисобланади. Шу ўринда айтишим жоизки, ҳамма давлатни ҳам бу соҳани молиялаштиришга қурби етавермайди. Биз чақалоқлигидан бир ёшгача бўлган болаларга жаҳон стандартларига мос равишда тиббий ёрдам кўрсатамиз. Ҳозирда деярли барча вилоят болалар шифохонаси таркибида неонатал хирургия бўлими фаолият олиб бормоқда. Ўтироф билан айтишим мумкинки, ҳозирда Ўзбекистонда “Неонатал хирурглар мактаби” ташкил қилинди ва у Марказий Осиёда энг нуфузли ҳисобланади. Буни қўшни давлат мутахассислари ҳам тан олишади ва бу давлатлардан бизга мурожаат қилаётган беморлар сонини ошиб бораётганидан кўришимиз мумкин. Биргина мисол, Қирғизистондан 1 ойлик сиа эмгизакларининг ота-онаси мурожаат қилганида бу операцияни ўтказиш учун чет элдан мутахассисларни чақиртирмоқ-

чи бўлдим. Лекин бу фикрдан қайтиб, биз учун яратилган шароитлар, моддий техника базаси, билим ва салоҳиятимиз етарли бўлганлиги учун жамоам билан бу операцияга киришдик ва 2 болани соғлом сақлаб қолдик. Яқиндагина 25 август куни ўзимизнинг Чирчиқ шаҳрида яна бир Сиа эмгизаклари Фотима ва Зухрани туғилганидан 9 соат ўтиб операция қилишга тўғри келди, 5 соат давомида операция муваффақиятли ўтди ва бугунги кунда икки қизалоқ ҳам соғ омон ота-онасини бағрида. Бундай ноёб операция дунё амалиётида 300 донга ўтказилган бўлса, уларнинг 2 таси Ўзбекистонда ўтказилди. **Айниқса, мураккаб оператив муолажа чала туғилган ва ҳаётининг биринчи кунда биринчи мартаба Ўзбекистон Республикасида ўтказилди.**

Шуни айтишим лозимки, ҳозирда бизнинг неонатал хирургия соҳаси бўйича бирорта болажонни чет элга боришига зарурат қолмади, ўзимизда уларга барча ёрдам кўрсатилмоқда. Ўтироф билан айтишим муҳимки, бу албатта, Юртбошимизнинг болажонларимиз саломатлигига бўлган эътибор ва ғамхўрлигидир. Дарҳақиқат,

биз аввало, ҳаракатдан тўхтамаймиз, ютуқларимиз ўзимизники бугунги кунда нафақат янги туғилган чақалоқларда, балки нуқсон аниқланган ҳомилани она қорнида жарроҳлик амалиёт ўтказишни ҳам режа қилганмиз.

Болажонларимиз саломатлиги йўлидаги фаолиятларимни қўллаб-қувватлаб, меҳнатларимни рағбатга муносиб деб топпан ва “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан мукофотлаган Президентимиз Шавкат Мирзиёевга ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни изҳор этаман. Мамнулик билан айтмоқчиманки, Президентимизнинг биз тиббиёт ходимлари билан юзма-юз олиб борган мулоқотлари ҳамда соҳа ходимлари учун кенг имкониятларни тақдим этганликлари, бу албатта, Ўзбекистонимиз тиббиётининг янада раванг топиб, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиб боришида муҳим аҳамият касб этади.

Фурсатдан фойдаланиб, касб байрамимиз арафасида давлат мукофотларига сазовор бўлган ҳамкасбларимни ҳам самимий қутлайман.

■ Ўзбекистон тиббиёти – инсон қадри учун

ЭЛ ДУОСИНИ ОЛИШДАН ҲАМ ОРТИҚ БАХТ БОРМИ?



Миршавкат АКБАРОВ, академик В. Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг гепатобилиар жарроҳлик ва трансплантология бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор "Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими".

Тиббиёт шундай фанки, у бўшлиқни ёқтирмайди. Шу боис, тиббиёт ходимида авваломбор юксак билим, етук салоҳият ва муҳими касбга меҳр ҳамда садоқати

бўлиши зарур. Мен касбим билан ҳақли равишда фахрланаман. Шу кунга қадар Ўзбекистонимиз тиббиётини дунёҳамжамиятида ўрин олиб, соҳа мутахассисларимизнинг халқаро ҳамкасблари тажрибаси билан ҳамоҳанг тарзда фаолият олиб бораётганидан мамнун бўламан. Бугун сизу-биз орзу қилган тиббиётдаги ислохотларнинг амалдаги ифодаси ўз исботини топмоқда. Албатта, бундай нуфузли даражага етишда Давлатимиз раҳбарининг одилона сиёсати ва тиббиёт тизимига ҳамда инсонлар саломатлигига бўлган эътибори ва ғамхўрлигининг ёрқин ифодасидир. Тиббиётимизнинг муҳим янгилликлари бўйича ўз фикримни давом эттирсам. Дунёда органлар трансплантацияси 2000 йиллардан кейинга тўғри келади. Ҳамдўстлик давлатларимиздан Қозоғистон, Тожикистон, Россия, Белоруссия давлатларида 2003 йилларда жигар кўчириб ўтказиш амалиёти йўлга қўйилганлиги барчамизга маълум. Хорижий давлатларда ўтказиладиган анжуманларда иштирок этганимизда органлар трансплантацияси тўғрисида жигар кўчириб ўтказиш бўйича маърузалар қилинганда ҳавасимиз келар эди. Орзуимиз амалга ошди. Юртбошимизнинг ташаббуслари билан бу борадаги меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Мана эндиликда органлар кўчириб ўтказиш амалиётлари, жумладан, буйрак кў-

чириб ўтказиш, нафакат пойтахтимиз балки ҳудудлар кесимида ҳам ўтказилмоқда. Шунингдек, 2021 йилда Давлатимиз раҳбари ўтказган селекторларида жигар ва буйрак кўчириб ўтказиш бўйича фаолиятларни мукамал йўлга қўйиш масаласини айтиб муҳим топшириқлар берган эдилар. 2022 йилда эса Юртбошимиз органларни кўчириб ўтказиш бўйича муҳим меъёрий ҳужжатга имзо чекдилар. Унда ҳужжатнинг амалдаги ижроси бўйича асосий вазифаларни белгилаб бердилар. Марказимизда шу кунга қадар 2000 га зиёд буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти муваффақиятли амалга оширилди. Жигар кўчириб ўтказиш бўйича эса 2018 ва 2021 йилда чет эллик ҳамкорларимиз билан биргаликда жигар кўчириб ўтказиш амалиётини биргаликда бажардик. 2022 йилдан буён бу фаолиятни ўзимиз мустақил йўлга қўйдик. Мен ва мутахассисларимиз Россия давлатидаги Академик В. И. Шумаков номи трансплантология ва сунъий органлар миллий тиббиёт тадқиқот марказида малакаларимизни ошириб қайтдик. Шу кунга қадар ўзимиз мустақил равишда марказимизда 150 дан ошди жигар кўчириб ўтказиш амалиётини муваффақиятли бажардик. Албатта, бу жараёнлар осон эмас. Бунинг орқасида катта машаққат ётади. Маълумки, меъёрий ҳужжатда белги-ланганидек, орган кўчириб ўтказишда

беморнинг яқин инсонлари донор бўлиши муҳимдир. Эътирофлиси шундаки, бундай мураккаб операция амалиётларини сифатли амалга ошириш учун замонавий тиббий асбоб-ускуна ва аппаратураларнинг ўрни ниҳоятда каттадир. Бу борада ҳам марказимизда барча шароитлар мавжуд. Яна бир ҳақиқатни айтишни муҳим деб биламан. Агар бемор буйрак ёки жигар трансплантациясини амалга ошириш учун хорижий давлатларга бориб операция қиладиган бўлса 50000 доллардан ортиқ харажатга тушади. Донор ва беморнинг кейинги саломатлик назорати ҳам биз кутган даражада бўлмайди. Мазкур йўналишдаги операциялар харажати бугунги кунда давлат тиббий суғурта жамғармаси томонидан тўлаб берилаётганлиги бемор ва унинг оила аъзоларига катта енгиллик туғдирмоқда. Бу албатта, “Ўзбекистон тиббиёти – инсон қадри учун” деган тамойилга жуда тўғри келади. Келгусидаги режаларимиз жигар ўтказиш амалиётларни секинлик билан ҳудудларда ҳам татбиқ этиш ниятидамиз. Авваломбор, инсонлар саломатлиги учун кенг имконият яратаётган ва соҳа ходимлари меҳнатини қўллаб-қувватлаб рағбатга муносиб қўраётган Президентимизга ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

МЕН СИЗДАН ДАВО ТОПДИМ...



**Фарғона вилояти, боғдоғ туманида яшовчи бемор Икромжон ЖА-
ЮЛИДДИНОВнинг фикрлари:**

– Инсонга бир дарднинг келиши осону, аммо кетиши қийин бўлар экан. Охирги 5 йилларда саломатлигимда жиддий ўзгариш бўлди. Худудимиздаги оилавий поликлиника тиббиёт ходимларига мурожаат қилдим. Керакли даво муолажаларини олсам-да, кундан кун иштаҳам йўқолиб, ҳолсизлана бошладим. Сўнгра, туман ва вилоятимиз шифокорларининг тиббий-қўригидан ўтдим. Текширувлар ҳулосаси бўйича менга жигар циррози ташхиси

қўйилди. Ўша пайтдаги аҳволимни билсангиз эди, кўз олдимда оилам ҳамда дилбандларимнинг маҳзун чехралари бир-бир ўта бошлади. Ўзимни кундан-кунга ёмон ҳис қила бошладим. Вилоятимиздаги шифохоналарда даво муолажаларини олдим. Лекин соғайиб кетишимга умидим йўқ эди. Дард танамдан ўтса-да, оила аъзоларимга билдирмасликка ҳаракат қилар эдим. Нима бўлса ҳам, дардимга нажот излаб, чет эл бўлса ҳам бориб жарроҳлик амалиётини ўтказишни олдимга мақсад қилдим. Кўпчиликни маслаҳати Ҳиндистонга бориб, операция қилиш таклифини беришди. Оила аъзоларимиз билан маслаҳатлашганда, у ерга бориш учун маблағимиз етарли эмаслиги маълум бўлди. Нима бўлса бўлар дея, тақдиримга тан бериб, даво муолажаларини олиб юрдим. Умидсизланиб юрган бир пайтимда Президентимиз томонидан тана аъзоларини кўчириб ўтказиш бўйича муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Бу ҳужжатлар орасида жигар кўчириб ўтказиш амалиёти борлигини эшитиб, хурсанд бўлдим. Яшашга умидим уйғонди. Вилоятдаги шифокорларимиз бу ноёб операция пойтахтда бажарилишини айтишди. Шунда менга Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказига бориб, тиббий-қўриқдан ўтишимни тавсия қи-

лишди. Мазкур клиникага келдим. Шифокорлар қабулида бўлдим. Ҳақиқатда ҳам ташхисим жиддийлигини айтишиб, бу дардга даво борлигини ва жарроҳлик амалиётини ўзларида ўтказиш таклифини билдиришди. Шу ўринда донор масаласини ҳам ҳал қилиш зарур эди. Оилавий келишган ҳолда жияним ўзининг жигаридан кўчириб ўтказиш розилигини билдирди. Албатта, бу жараён осон кечмади. Неча ойлаб, даво муолажалари олинди. Шифокорлар назоратида бўлдик. Қаттиқ назорат ва сифатли тиббий муолажалар ниҳоясига етказилиб, жияним ва мен жарроҳлик столига олиндик. 2025 йилнинг 10 октябрь кунинда узок давом этган мураккаб жарроҳлик амалиёти марказ профессори, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими” Миршавкат Акбаров ва тажрибали тиббиёт ходимлари томонидан муваффақиятли ўтказилди. Операциядан сўнг, кўзимни очиб қарасам ёнимда менга ҳаёт бахш этган тажрибали шифокор Миршавкат Акбаров ва шифокору ҳамширалар ҳамда жигарининг бир парчасини берган жиянимнинг табассумларини кўриб, барча тортган азоб-уқубатларим унутилди. Операциядан 3-4 кун ўтгач, шифокорим Миршавкат Акбаров менга “Бемалол туриб юрсангизва ҳаракатлансангиз ҳам бўлади” деганларида кўзларимдан қувонч

ёшлари калкиб, яшашга бўлган орзу умидим янада ошди. Турмуш ўртоғим ёрдамида секин-аста юра бошладим. Кейинги кунлари эса ўзим ҳаракатда бўлдим. Мана эндиликда соғлом ҳаётга қайтдим. Агар ўша пайтларда дард азобида қийналиб, Ҳиндистон ёки бошқа хорижий давлатларга борганимда аҳволим қандай кечиши кўз олдимга келди. Биринчидан, сарсонгарчилик, иккинчидан маблағ муаммоси бу касалимга даво бўла олмас эди. Президентимизга, қолаверса, қўли енгил профессор Миршавкат Акбаровдек ва унинг бир-биридан чаққон ёш шогирдлари ҳамда бўлимнинг барча ходимларига кўзимдаги қувонч ёшлари билан таъзим қилгим келади. **Менинг бу мураккаб операциям Давлат тиббий суғурта жамғармаси томонидан бепул амалга оширилгани ҳам оилам ва яқинларим учун катта енгиллик бўлди.**

Мен юртдошларимга қарата шундай дегим келади. Агар сиз бошингиздан жиддий касалликларни ўтказсангиз ҳеч иккиланмасдан ўзимизнинг Янги Ўзбекистонимизда нуфузли шифохоналарида даволанишингизни таклиф этаман. Бугунги кунда шифо масканларимиз, қолаверса беморлар учун яратилган шароит ва имкониятлар ҳамда шифокорларимизнинг бой тажрибалари ҳар қандай касалликни олдини олишга қодир.

■ Муносабат

МАҚСАДЛАР МУШТАРАКЛИГИДА ТИББИЁТИМИЗ РИВОЖИ



Жасур РИЗАЕВ – Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори, профессор.

Жорий йилнинг 10 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда мамлакатимиз тиббиёт ва фармацевтика ходимлари билан учрашув ўтказдилар. Давлатимиз раҳбари йиғилганларни соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари куни билан самимий кутлади. Шунингдек, халқимиз саломатлиги йўлида фидойиларча меҳнат қилаётган шифокор ва ҳамширалар, шунингдек, соҳа мутахассисларига ўзининг чексиз хурмати ва эзгу тилаklarини изҳор этди. Фахр билан айтишим жоизки, кейинги йилларда

тиббиётимизда улкан ўзгаришлар бўлиб, инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигига бўлган эътибор ниҳоятда самарали кечиб ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Мазкур учрашувда Давлатимиз раҳбари юртимиз соғлиқни сақлаш соҳасида эришилган ютуқлар ҳамда яратилган шароит ва имкониятлардан миллионлаб одамларимиз рози бўлаётганлигини ҳамда халқаро ташкилотлари томонидан фаолиятларимиз эътироф этилаётганлигини алоҳида таъкидладилар. Жумладан, юртимиз тиббиётида илғор технологияларнинг жорий этилганлигини ҳамда таълим жараёнларига кенг татбиқ қилинаётганлигини ҳам айтиб ўтдилар. Юртбошимиз тиббий таълимга чуқур эътибор қаратган ҳолда қуйидаги бажарилиши муҳим бўлган асосий вазифаларга эътибор қаратдилар. Биринчи навбатда оиланинг барча ёшдаги аъзоларига малакали тиббий хизмат кўрсата оладиган оилавий шифокорлик институтини ривожлантириш зарурлигини таъкидладилар. Шунингдек, келгуси ўқув йилидан бошлаб тиббиёт олий гоҳларининг бакалавр босиқичида педиатрия ва даволаш йўналишларини ўз ичига олган умумий тиббиёт факультети очилиши эълон қилинди. Шу билан бирга уларда оилавий шифокорлик мутахассислиги бўйича резидентура ва магистратура ҳам йўлга қўйилишини айтдилар. Энг аҳамиятлиси шундаки, резидентурада таълим олаётган талабалар бепул ўқиш билан бирга оилавий шифокор сифатида ишлаб маош олади, шунингдек, битирувчиси оилавий шифокорлик бўйича тор соҳа дипломи ва 150

фоизли устама олади. Ушбу учрашувдаги вазифалардан яна бири эндиликда оддий муолажани қиладиган эмас, ташхис, даволаш ва профилактикада шифокорга кўмакчи бўладиган ҳамшираларни тайёрлашга ўтиш зарурлигини айтиб ўтилди. Бунинг учун ҳамширалар академияси Тошкент давлат тиббиёт университети тасарруфига ўтказилиб, негизда Олий касбий тиббиёт академияси ташкил қилиниши таъкидланиб, келгуси йилдан барча тиббиёт олийгоҳларида олий ҳамширалик иши йўналиши очилиши ва квота икки қарра 2027 йилдан эса камида 20 фоиздан ошириб борилишига ҳам алоҳида урғу қаратилди. Албатта, олий маълумотга эга, шифокор билан ёнма-ён турадиган бундай ҳамшираларнинг меҳнати муносиб рағбатлантирилиши, келгуси йилдан олий маълумотли ҳамшираларнинг маоши 100 фоиз устама берилиши ҳам алоҳида тилга олинди. Бунинг баробарида ўрта маълумотли ҳамшираларни тайёрлаш тизими ҳам ўзгартирилиши айтилди. Ниҳоятда самарали кечган ушбу кенг аудиториядаги учрашувда Президентимиз томонидан мамлакатимиз тиббиёт тизимидаги муваффақиятларни эътироф этилиши, соҳа ходимлари учун кенг имкониятларнинг яратилиши ва янгича ғоялар сари янада шахдам қадамлар ташлаш муҳимлиги, бу албатта, Ўзбекистон тиббиётини янада юксак поғоналарга қўтаришда асосий пойдевор бўлиб хизмат қилади.

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИНИ ҚАДРЛАЙЛИК

АЗИЗА ТИМУРОВА, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри, Камилон маҳалласи.

Авваломбор фарзандларимиз соғ-саломат бўлишсин. Ҳеч қачон дард нималигини билшмасин. Лекин, шундай касалликлар борки, бизу-сиз билмаган ҳолда инсон саломатлигига беҳосдан таъсир қилганини билмай қолар экансиз. Оилали бўлдим. Ажойиб орзу-умидлар билан яшаб биринчи фарзандимиз Аҳмаджон 2018 йилда дунёга келди. Аҳмаджон туғилганда соғлом, туғруқхонадан ҳам жавоб бўлганда хурсандчилик билан оиламиз бағрига қайтдик. Фарзандим 3 ойлик бўлганда унинг саломатлигида ўзгаришлар сезилиб, кундан-кунга унинг ҳаракатлари чеклана бошлади. Аҳмаджонни зудлик билан шифокорлар кўригига олиб бордик. Керакли муолажаларни қабул қилдик. Минг афсуски, қутилган натижаларга эриша олмадик. Аниқ касаллик ташхисини қўйиш ҳам қийин бўлди. Қашқадарёлик шифокорларимиз тавсияси билан ўғлимдаги ташхисни аниқлаш учун Республика она ва бола скрининг марказига келиб, генетик таҳлил топширдик. Текширувлар натижаси фарзандим Аҳмаджонга орқа мия атрофияси (орфан) ташхиси қўйилди. Касалликни зўрайиб кетмаслиги учун фарзандимга давлат томонидан тавсия этилган дори воситаларини қўллаб бораем. Ҳозир фарзандим Аҳмаджон 7 ёшда. Лекин ҳанузгача юра олмайди. 2022 йилда эгизак фарзандларим Фотима ва Зухралар дунёга келишди. Бу фарзандларим ҳам соғлом туғилишди. 5 ойлик

бўлишганда Зухрадаги ҳаракатлар сусая бошлади. Яна ташвишга тушиб, Фотима ва Зухрага ҳам генетик таҳлилларни топширдик. Ташхис орқа мия атрофияси (орфан) деб тасдиқланди. Фотима Зухра ҳозирда 3 ёшда. Юришлари, ҳаракатлари меъёр даражасида. Дилбандларимни саломатлиги учун турмуш ўртоғим билан кўплаб шифо масканларига мурожаат қилдик. Фарзандларимиздаги орқа мия атрофияси касаллигини тўлиқ аниқлаб бўлгач, унинг даво муолажаларини излай бошладик. Шу ўринда фарзандларимизга тўғри ташхис қўя олган Республика она ва бола марказининг генетик шифокорлари Мархабо Анваровна ва Илҳом Аҳмедовга алоҳида миннатдорлигимизни билдираман. Шунингдек, даво муолажаларимизни олишда ўз маслаҳатини аямаган Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасининг невропатологи Жамшид Саидовга, ушбу касаллик бўйича дори воситалари билан таъминлаб келаётган Қашқадарё вилоятидаги она ва бола скрининг маркази жамоаси, тажрибали шифокори Соҳиба опа ҳамда фарзандларим саломатлигидан доимий хабар олиб турган Қарши шаҳар кўп тармоқли поликлиникасининг тиббиёт ходимлари ва малакали шифокори Лола опаларга ҳам катта раҳмат.

Шу ўринда таъкидлашим муҳимки, фарзандларимни соғлигини муҳофаза қилишда ва ушбу касалликни ўз вақтида даволаб бориш учун катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб, мазкур касаллик бўйича муҳим меъёрий ҳужжатни имзолаган Юртбошимизга чексиз ташаккуримни билдираман. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳам алоҳида мамнунигимизни изҳор қила-

ман. Бу касаллик бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус буйруғи бўлиб, унда дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатига қўшимчалар киритилди. Мана шу сайт-ҳаракатлар туфайли 3 нафар фарзандим ҳам давлатимиз томонидан бепул тавсия этилган қимматбаҳо дори-дармонлар билан таъминланиб келмоқда.

Албатта, бу дори-дармонларни вилоятимиздаги она ва бола скрининг марказидан қабул қилиб олганимда ҳам унинг талабларига риоя қилган ҳолда махсус сумкада олиб қайтаман. Фарзандларимга дори-дармонларни шифокорларнинг ёзиб берган тавсияси асосида бераман. Ниятим дилбандларим оиламиз бахтига соғ бўлишини Яратгандан тилаб қоламан. Эътирофим шундаки, юртимизда Давлатимиз раҳбари томонидан болажонларимизга кўрсатилаётган сифатли тиббий хизматлар ҳамда имтиёзли, бепул даво муолажалари ҳар бир оила учун кенг имконият ва енгиллик берганлигига гувоҳ бўлиб келмоқдаман. Кўплаб давлатларнинг тиббиёт соҳасидаги фаолиятларига назар ташлаганимда, бизнинг Ўзбекистонимизда бошқа давлатларга қараганда фарзандларимиз саломатлигига бўлган эътибор ва ғамхўрлик юқори эканлигини англаб етдим. Яна бир бор болажонларимиз саломатлиги учун ғамхўрлик кўрсатиб барча шароитларни яратаётган Юртбошимизга чексиз ташаккуримни билдираман.

Юртдошларимга қарата шундай дегим келади. Ўзбекистонимиз тиббиёти янада раванг топиб келаётган экан, тизимидаги соҳа ходимларининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатларини қадрига етайлик.

МУАССИС:

**Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги**

ТАҲРИРИЯТ ҲАЙЪАТИ:

Таҳрир ҳайъати раиси –
Асилбек ХУДАЯРОВ – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири.
Таҳрир ҳайъати аъзолари:
Абдулла УБАЙДУЛЛАЕВ – профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги.
Анвар АЛИМОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Фарҳод ХАНАПИЯЕВ – Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика Кенгаши раиси.
Дамин АСАДОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Нурмат АТАБЕКОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Жасур РИЗАЕВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Мурат ҚУРБАНОВ – Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири.
Фарҳод РАҲИМҚУЛОВ – Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири котибияти.
Фурқат САНАЕВ – Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот котиби.
Барно ОДИЛОВА – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббий ёрдамни ташкиллаштириш департаменти бошлиғи ўринбосари, Бирламчи тиббий ёрдам тизимини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи.
Улуғбек СОБИРОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Саидмурод ИСМАИЛОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Муроджон ИРИСМЕТОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Азамат ЮСУПОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Солижон МУМИНОВ – тиббиёт фанлари номзоди.
Хуршид ФОЗИЛОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Мирзағолиб ТИЛЛЯШАЙХОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Наргиза ПАРГИЕВА – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Илмира РАЗИКОВА – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Шухрат БОЙМУРАДОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Рихси САЛИХАДЖАЕВА – тиббиёт фанлари доктори.
Валихон ҲАКИМОВ – тиббиёт фанлари номзоди, доцент.
Зафар СИДДИҚОВ – тиббиёт фанлари номзоди, Ўзбекистон врачлар ассоциацияси раиси.
Зоҳид АБДУРАҲИМОВ – Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Назарбек санаторийси директори.
Ғайрат КАРИЕВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Шухрат МУХТОРОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Раъно НОСИРОВА – Ҳамширалар академияси ректори.

Бош муҳаррир
Ибодат СОАТОВА

Газета 2009 йил 11 мартда
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
0015–рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев
Таҳририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2–қават. Тел/факс: (71)233–13–22, тел.: (71)233–57–73.
Газета "Шарқ" нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 уй/Тел/факс: (71)233–11–07.

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Zdravooxranenie Uzbekistana" газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета ҳажми **2 босма табоқ**.
Формати А3. Офсет усулида чоп этилган.
Адади – **571** дона. Буюртма рақами **Г-1138**.
Босмахонага топширилиш вақти: **21–00**.
Топширилди **20–00**. 3 4 5 6 7